

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

344 Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Бошланғич разряднинг энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида белгиланган тариф ставкаси Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин ва янги тариф коэффициентлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) 2-иловага мувофиқ таҳрирда баён қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу қарор 2009 йил 1 августдан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 июль,
206-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф
СЕТКАСИ**

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
0	1,000
1	2,476
2	2,725
3	2,998
4	3,297
5	3,612
6	3,941
7	4,284
8	4,640
9	4,997
10	5,362
11	5,733
12	6,115
13	6,503
14	6,893
15	7,292
16	7,697
17	8,106
18	8,522
19	8,943
20	9,371
21	9,804
22	10,240

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва
фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг
ТАРИФ СЕТКАСИ**

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
1	3,148
2	3,464
3	3,809
4	4,191
5	4,609
6	5,070
7	5,578
8	6,191
9	6,872
10	7,629
11	8,390

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2007 йил 7 августдаги 166-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомил-

лаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2007 йил 19 ноябрдаги 239-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2008 йил 9 апрелдаги 65-сон қарори.